


# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛАРИ УЧУН О'ҚУВ-СЕМИНАРИ БО'ЛИБ ЎТДИ



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида Қумқўрғон, Жарқўрғон, Шўрчи туманларини маҳаллалардаги Хотин-қизлар фаолларига сараланган номзодлар учун ўқув-семинари ташкил этилди.

Семинарда "Аёллар баланси"ни шакллантириш, сўровномаларни юритиш бўйича батафсил маълумотлар берилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари-оила ва хотин -қизлар бошқармаси бошлиғи Зулхумор Хидирова сараланган номзодларга юртимизда хотин-

қизларни қўллаб -қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилаётган имкониятлар ҳақида гапириб, аёлларга янги ғоялар ва мотивациялар берди.

Қизғин мунозараларга бой бўлган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.